

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВА ИРОДА НАЗАРБАЕВНА

**ЮЗА-ФАОЛ МОДДАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ
МОЗАЙКАЛИ ПОЛ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.08 - Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Салимова Ирода Назарбаевна

Юза-фаол моддаларни қўллаб, юқори сифатли мозаикали
пол қопламаларининг технологиясини ишлаб чиқиш 3

Салимова Ирода Назарбаевна

Разработка технологии получения высококачественных
мозаичных покрытий полов с использованием
поверхностно-активных веществ 21

Salimova Iroda Nazarbayevna

Development of technology for high-quality mosaic
floor coatings using surface-active substances 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

САЛИМОВА ИРОДА НАЗАРБАЕВНА

**ЮЗА-ФАОЛ МОДДАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ
МОЗАИКАЛИ ПОЛ ҚОПЛАМАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.09.08 - Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1375 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Хамза Ибадович –
техника фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Ганиев Карим Барович –
техника фанлари доктори, профессор

Сатторов Зафар Мурадович –
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш
институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил “4” август куни, соат 10⁰⁰ да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. ТАҚИ, архитектура факультети. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№78 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс: (+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «22» июль куни тарқатилди (2022 йил «5» майдаги №1 - рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.Н. Джабриев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда монолит мозаик пол қопламаларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтириш, юза-фаол моддаларни қўллаш асосида энергия сарфини тежаш, силлиқлаш машиналарининг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ейилишга бардошли бўлган мозаик пол қопламаларини қуриш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда монолит мозаик полларни қуришда маҳаллий тўлдирувчилар ва химиявий фаол моддаларни қўллаш, ишлаб чиқариш технологик хариталарини яратиш ва лойиҳалаш ишларини такомиллаштириш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Бу борада, жумладан юқори мустаҳкамликка эга бўлган умрбоқийлик талабларига жавоб берадиган, экологик хавфсиз, арзон ва сифатли мозаикали полларни қуриш, мозаикали полларни юзасини силлиқлашда машина ва механизмларни оптимал параметрларини ишлаб чиқиш, юза-фаол моддаларни қўллаш ҳамда монолит мозаик полларни қуриш технологиясини самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда бино ва иншоотларнинг мозаик қопламали полларини барпо этиш, қурилиш ишлаб чиқаришининг ривожланишида янги технологияларнинг жорий этилиши, меҳнат харажатларини камайтириш, жараёнларнинг давомийлиги, ҳар хил турдаги ресурсларни истеъмол қилиш, шунингдек бино ва иншоотларнинг хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, қаттиқ сатҳда юза-фаол моддаларнинг ўз-ўзидан адсорбцияланиб, сатҳда эркин энергияни камайтириши ҳамда ўзида қаттиқ жисм мустаҳкамлигини пасайтириш йўли билан юзаларни силлиқлаш жараёнини такомиллаштириш ҳамда икки компонентли тизимни силлиқлашни бошланғич вақтини аниқлаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, биноларнинг функционал вазифасидан келиб чиқиб, монолит мозаикали пол қопламаларини барпо этиш учун манба ва энергияларни тежовчи самарали қурилиш жараёнлари технологияси, механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қурилаётган ва реконструкция қилинаётган ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой ва жамоат биноларининг полларини барпо этишда энергия тежовчи ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда самарали кўшимчалардан фойдаланишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида жумладан, «Олий таълим муассасаларида архитектура-қурилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш», «Қурилиш фаолиятида қурилиш нуқсонлари ёки муаммоларининг олдини олиш»¹ бўйича бир қанча вазифалар белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда мозаик пол қопламаларни силлиқлашда ушбу жараён жадаллигига юза-фаол моддаларнинг таъсирини ўрганиш ва самарадорлигини оширувчи такомиллашган технологияни ишлаб чиқиш, меҳнат сарфини камайтириш ва юқори сифатли мозаик пол қопламасини яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 27 ноябрь ПФ-6119-сон «2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мозаик қопламали полларни қуриш айниқса, унинг юзасини силлиқлаш жараёни сермеҳнат ҳисобланиб катта меҳнат ҳаражатларини талаб этмоқда. Мозаикали қопламаларни амалдаги силлиқлаш технологияси ва қўлланиладиган механизациялаш воситаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, сўнгги ўн йилда силлиқлаш технологияси деярли ўзгармаган. Меҳнат ҳаражатларини камайтириш силлиқлаш машиналари конструкцияларини такомиллаштириш ҳисобига амалга оширилган бўлиб, ушбу масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан И.В. Гребенчиков, Н.Н. Качалов, В.Н. Кашеев, И.В. Крагельский, Е.Н. Маслов, М.М. Тененбаум, Э.Г. Шмаванян, М.М. Хрущов, А.И. Денисов, А.Г. Домокеев, О.М. Иванов, В.М. Кулькова ва бошқалар.

Бино ва иншоотларнинг мозаик қопламали полларини қуриш учун манба ва энергияларни тежовчи самарали қурилиш жараёнлари технологияси ва механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан: Н.Б. Бозорбоев, Н.З. Муҳибова, Ҳ.И. Юсупов, З.М. Сатторов. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида мозаикали пол қопламаларини силлиқлашда ва уларни амалиётда қўллаш масалаларини ечишда салмоқли натижаларга эришилган.

Шу билан бирга мозаик қопламали поллар фарқли равишда конгломерат тузилишга эга бўлиб, у ҳар жинсли материаллардан, яъни мрамор тўлдиргич ва цемент тошидан ташкил топган. Бундан икки компонентли тизимни силлиқлаш жараёнини ўрганиш муҳим илмий ва амалий қизиқиш уйғотади.

Аммо мозаикали қопламани силлиқлаш жараёни самарадорлигини оширувчи технологияни ишлаб чиқиш ва жараён жадаллигига юза-фаол моддаларнинг таъсирини ўрганиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура қурилиш институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД – 16 «Аҳоли яшаш жойларининг самарали меъморий-лойиҳавий ечимлари ҳамда замонавий зилзилабардош бино ва иншоотлар қурилиши технологияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий хомашё асосида янги саноат, қурилиш, композицион ва бошқа материаллар яратиш» (2006-2008 йй.), ИТД-16-051 «Бино ва иншоотларнинг турли конструкцияли полларини барпо этиш учун манба ва энергияларни тежовчи самарали қурилиш жараёнлари технологияси ва механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2008-2010 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мозаик полларини барпо этишда юза-фаол моддаларни қўллаб, силлиқлаш жараёнини самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

мозаикали пол қопламаларни қуришда аралашма таркиби хусусиятларини ўрганиш ва пол қопламасини силлиқлаш жараёнини такомиллаштириш;

мозаикали пол қопламаларни мармар тўлдирувчиларнинг микроқаттиқлигини камайтириш усулларини аниқлаш;

мозаикали пол қопламаларини силлиқлаш технологиясини оқилона параметрларини аниқлаш;

мозаикали пол қопламасини силлиқлаш жараёни жадаллигига юза-фаол моддаларнинг таъсирини ўрганиш ва жараён самарадорлигини оширувчи технологияни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти цемент тоши ва мармар, мозаикали қоплама, юза-фаол моддалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мозаикали пол қопламаларини қуришда юза-фаол моддаларни қўллаб, силлиқлаш жараёнлари технологиясини такомиллаштиришда аралашмалар таркибини ўрганиш, силлиқловчи машиналарни ўрганиш, ишлаб чиқариш технологик параметрларини ўрнатиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мармар тўлдирувчиларнинг микроқаттиқлигини камайтириш ва силлиқлаш жараёни жадаллигига абразив элементлар таъсирини аниқлаш тенгламалари, ишқаланишдаги ейилишнинг чегаравий усуллари ва экспериментал техник усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мозаика қопламасини силлиқлашда натрий карбонат (Na_2CO_3)ни концентрацияси 0,1% ли сувли эритмасини қўллаганда меҳнат унумдорлиги 38-42% га ошиши асосланган;

абразив емирилиш назариясининг асосий қоидалари асосида мрамарнинг микроқаттиқлигига таъсир қилувчи юза-фаол моддаларнинг мозаикали қопламанинг силлиқлаш жараёни самарадорлигига таъсири ишлаб чиқилган;

цемент тошининг мустаҳкамлиги 130 Н/см^2 ва қаттиқлиги 7 Н/мм^2 қийматларга етганда мозаика қопламасини силлиқлашни бошлаш вақти асосланган;

юза-фаол моддаларнинг концентрациясини силлиқлаш вақтига боғлиқлиги ва олинган қатлам қалинлигига боғлиқ ҳолда пол қопламаси юзасининг мрамар увоқлари билан жойлашганлик даражаси модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

абразив емирилиш назариясининг асосий қоидаларига биноан силлиқлаш жараёни самарадорлигини ошириш учун юза-фаол моддаларини қўлланиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

меъёрдаги ҳарорат-намли шароитларда цемент тошининг керакли мустаҳкамлиги ва қаттиқлигига эришиши ҳамда силлиқлашни бошлаш муддати аниқланган;

мрамар тўлдирувчининг силлиқлашдаги микроқаттиқлигини пасайтиришнинг энг юқори самарасига юза-фаол моддалар (ЮФМ) иштирокида эришилган;

олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида юза-фаол моддалар қўлланган мозаикали пол қопламасини силлиқлашни такомиллашган усули ва технологияси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, юза-фаол моддалар қўлланилишининг меҳнат сарфи ва силлиқлашни бошлаш вақти билан ўзаро боғланиши ва мувофиқлиги, ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат ва фуқаро биноларининг мозаикали пол қопламаларини юза-фаол моддаларни қўллаш ёрдамида силлиқлаш жараёнини такомиллаштириш ва қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, келажакда лойиҳа институтлари ва қурилиш ташкилотларида қурилишнинг мозаикали пол қуриш ишларининг технологиясини услуби мавжуд эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шуни кўрсатдики, юза-фаол модда (ЮФМ) ларни қўллаб, мозаикали қопламаларни силлиқлаш технологияси меҳнат унумдорлигини ошириши, меҳнат харажатларини камайтирилиши ва маблағ тежалиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юза-фаол моддаларни қўллаб, юқори сифатли мозаикали пол қопламаларининг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юза-фаол моддаларни қўллаб, юқори сифатли мозаикали пол қопламаларини ишлаб чиқиш технологияси “EM-DER-SAL INSHAAT”

МЧЖ қурилиш ташкилотида жорий этилди. (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги №09-06/12359-сон маълумотномаси ва “O’zsanoatqurilishmateriallari” Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 11 октябрдаги 05/15-2532-сонли маълумотномаси). Натижада мозаик пол қопламасини силлиқлашдаги иқтисодий самара 100 м² қоплама учун 174084 сўм иқтисодий самара берган.

юза-фаол моддаларни қўллаш шунингдек, “KEMRAN” МЧЖ қурилиш ташкилотида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 29 октябрдаги №09-06/12359-сон маълумотномаси ва “O’zsanoatqurilishmateriallari” Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 11 октябрдаги 05/15-2532-сонли маълумотномаси). Бунда 324 м² юзани силлиқлашда 1 480 000 сўм иқтисодий самара берди. Тавсия этилган юза-фаол моддаларни қўллаш орқали юқори сифатли мозаикали пол қопламалари қуришда меҳнат унумдорлигини ошириб, иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жаъми 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола, 1 та республика ва 5 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми эса 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мақсад ва вазифалар, объект ва предмети келтирилади, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқотлар натижаларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги баён этилади, тадқиқотлар натижаларининг синовдан ўтганлиги ва диссертация иши мавзуси бўйича нашр этилган илмий мақолалар ҳақидаги, шунингдек диссертация тузилмаси ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Мозаикали пол қопламаларини силлиқлаш технологияси бўйича тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил этиш” деб номланган биринчи бобда, илмий техник адабиётларда тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳи изоҳланган. Шунингдек, пол қопламалари тўғрисида умумий маълумотлар ўз аксини топган. Мозаик

полларнинг турлари ва хусусиятларини таҳлил этиш, мозаик полларга бўлган талаблар, мозаик поллар қопламасини силлиқлаш ва амалда қўлланилаётган силлиқлаш машиналарини таҳлил этиш, силлиқлаш технологиясининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш, тадқиқот бўйича ишчи гипотеза яратиш ва тадқиқот масалалари ўрганилган.

Бино ва иншоотларнинг мозаика қопламали полларини механизациялашган усулда силлиқлаш учун бизда ва чет элларда мозаика-силлиқлаш машина ва агрегатларининг турли русумларидан кенг фойдаланилди. У ёки бу машинани танлаш ишлов бериладиган юза майдони ва машиналарнинг юкларига боғлиқ бўлиб, улар ораёпма бўйича барпо этиладиган мозаика қопламали полларни пардозлашда мозаика қопламали полларни силлиқлаш жараёнини жадаллаштириш учун энг такомиллаштирилган машиналардан фойдаланилган. Уларни яратиш кўпроқ жараён технологиясини чуқур ўрганиш, юзани силлиқлашни оқилона режимларини аниқлашга боғлиқ бўлиб, бу иш нарҳини ва мозаика қопламали полларни силлиқлаш учун меҳнат ҳаражатларини анча пасайтириш имконини беради.

Шу соҳадаги техникавий адабиётлар маълумотлари ва махсус ўтказилган тажрибавий тадқиқотларни таҳлили абразив билан боғланган мраммларни силлиқлаш жараёни жадаллигини баҳолаш учун керак бўлган дастлабки далиллар асосида юза-фаол моддалар (ЮФМ) қўлланганда меҳнат унумдорлигини ошириш тадқиқ этилди.

Силлиқлаш жараёнининг жадаллигини тадқиқ этиш натижалари бир жинсли ашёларни силлиқлаш жараёнидан мозаика қопламасини силлиқлашда ўзига хос фарқланишини кўрсатди ва икки компонентли тизим сифатида мозаика қопламасини силлиқлаш назариясига *ишчи гипотеза* киритилди. Бир жинсли (мармар) ва икки жинсли мозаика қопламаси (мармар ва цемент тоши) ашёларни силлиқлашдаги боғлиқлик таҳлил этилди. Цемент тоши эркин абразив ролини ўйнайдиган мармар ва цемент тошининг майдаланган маҳсулоти ёрдамида силлиқланади. Абразив емирилиш назариясининг асосий қоидаларига биноан силлиқлаш жараёни самарадорлигини ошириш учун юза-фаол моддаларини қўлланиши мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Дастлабки олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари асосида юза-фаол моддалар қўлланган мозаикали пол қопламасини силлиқлашни такомиллашган усули ва оқилона технологиясини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

Диссертациянинг **“Мозаикали полларни қуришда аралашма таркиби хусусиятларини ва пол қопламасининг силлиқланиш жараёнини тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида силлиқлаш жараёнини жадаллаштириш бўйича тажриба тадқиқотлари, мармар тўлдирувчиларнинг микрокаттиқлигини камайтириш усуллари тадқиқ этиш, мозаикали қопламани силлиқлаш муддатини аниқлаш, мозаикали пол қопламасини силлиқлашда юза-фаол моддаларнинг қўлланилиши тадқиқ этилган.

Полнинг мозаика қопламасини силлиқлаш жараёнини ашёнинг ишқаланишидаги ейилиши жараёни билан кўп умумийлик мавжуд, лекин силлиқлашнинг қуйидаги хусусиятлари фарқланди:

силлиқлаш машинаси абразивининг ишчи юзаси ашёнинг ейиладиган юзасидан анча дағалроқдир;

силлиқланадиган доналар юқори қаттиқлик ва ейилишга чидамликка эга бўлиб, улар силлиқлаш жараёнида катта нисбий юкларга бардош беради;

силлиқлашда вақт бирлигида ашёнинг ейилишини юқори жадаллиги таъминланади, шу билан бирга силлиқлашда ҳосил бўладиган ейилишнинг майда маҳсулоти ишқаланишдаги ейилиш маҳсулотига нисбатан анча катта ўлчамларга эга;

силлиқлаш жараёнида олинадиган чиқинди (шлам) фаол роль ўйнайди.

Мозаика қопламали полларни меъёрида фойдаланишни таъминлаш учун уларнинг физик-механик хусусиятлари қуйидаги чегараларда бўлиши керак: эзилишдаги мустаҳкамлик чегараси – 2-3 кПа; эгилишда – 0,2-0,25 кПа; зарбали қовушқоқлик – 5,9 қДж/м² дан кам бўлмаслиги; ейилиш – 3,5 г/см² кўп бўлмаслиги; сув ютувчанлиги – 6% кўп бўлмаслиги; совуққа чидамлик – 30-50 давр (цикл).

Террацо (мармар увоқли) аралашмага тўлдирувчининг гранулометрик таркибини тўғри танлашдан аралашма зичлиги, цемент сарфи, киришиш ўлчамлари, дарзларни ҳосил бўлиш эҳтимоллиги ва сўнгги натижада, мозаика қопламаси сифати боғлиқ бўлади. Масалан, майда донали увоқларнинг камлиги ҳисобига аралашмани тайёрлашда цемент сарфи ортади.

Силлиқлашдан сўнг йирик донали увоқлари кўп бўлган қопламалар манзаралироқ ва чиройли кўринади. Шунинг учун террацо (мозаика) аралашмаси шундай таркибда тайёрлаш керакки, унда мозаика қатламини силлиқлагандан сўнг юзанинг 70-75% қисмини тўлдиргич (мармар увоғи), қолган қисмини эса цемент тоши ташкил этиши керак. Мозаика аралашмасида мармар увоғи ва цемент миқдори ўртасидаги бундай нисбат ҳосил қилиш учун бир масса қисмига эга бўлган 400 маркали портландцементга ҳар бир масса қисмларидан иборат бўлган мармар увоқларининг йириклиги (фракцияси) 2,5-5, 5-10 ва 10-15 мм бўлиши керак. Бундай тўлдирувчи йириклиги нисбатида цемент тоши эгаллаган юза минимал бўлиб, қоплама ейилишга чидамли ва мармар увоғи зич жойлашган чиройли юза ҳосил бўлди.

Мозаика қопламасини силлиқлашга киришиш учун террацо аралашмаси ётқизилган цемент тоши шундай мустаҳкамликка эга бўлиши керакки, унда силлиқлаш машиналарининг механик таъсиридан мармар увоғи кўчиб чиқмаслиги ёки уваланмаслиги лозим.

Қурилиш шароитларида мармар тўлдиргичнинг максимал очилиш қийматини ўлчашни амалда имкони йўқ. Бунга эришиш учун мармарнинг максимал очилиши рўй берганда кириб олинган қатламнинг керакли қалинлиги ўлчанади. Бундай қийматни аниқлаш учун қуйидаги тажрибалар ўтказилди.


Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тўлдиргич юзадан уваланмаслиги учун цемент тошининг эзилишга мустаҳкамлиги ва қаттиқлигининг минимал қийматлари мос ҳолда 1,3 кПа ва 7,3 кПа бўлган (1-жадвалга қаранг).

**Цемент тошининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлигининг
минимал қийматлари**

Мозаика қопламасини сақлаш вақти, кун	Цемент тошининг мустаҳкамлиги, Н/см ²	Цемент тошининг қаттиқлиги, Н/мм ²	Силлиқлаш жараёнида мозаика қопламасидаги тўлдирувчи ҳолати
1	37,5	1,3	Уваланди
2	73,2	4,2	Уваланди
3	104,6	5,1	Уваланди
4	130,9	7,3	Уваланмади
5	160,5	8,1	Уваланмади
7	187,4	10,6	Уваланмади
14	269,0	13,3	Уваланмади

Террацо (мозаика) аралашмасидан тайёрланган 400x400x40 мм ўлчамли мозаика қопламасидан бешта намуна ясалди. Унинг таркибида 400 маркали портландцемент бир масса қисмда ва биттадан масса қисмларида мармар увоғи 2,5-5; 5-10 ва 10-15 мм йирикликда бўлиб, силлиқлаш орқали 10 мм қалинликда қатлам олинди. Ҳар бир миллиметр қалинлик олингандан сўнг 15x20 см ўлчамдаги участкада юза фактураси фотосуратга олинди. Намуна юзасини бир жойини ҳамма силлиқлаш чуқурлиги бўйича белгилаш (фиксация) учун рамка-қолип воситасида амалга оширилди. Ёйилиш қалинлиги боғлиқ ҳолда тўлдиргич доналари намуналаридан бири юзасидаги тўйиниш динамикаси 1-расмда кўрсатилган.

Юзаларни тўлдиргич доначалари билан тўйиниш даражасини фотосуратлар бўйича аниқланди. Фотосурат ФБ-2 фото ўлчагич асосидаги махсус қурилма ёрдамида олинди. Янада аниқроқ маълумотлар олиш учун мозаика қопламасининг ҳар бир қатлами фактурасининг фотосурати шаффоф (калька) қоғозига ўтказилди, ундан цемент тоши ва тўлдиргич юзаларнинг фоизли нисбати аниқланди.




1-расм. Полнинг мозаикали қопламасини силлиқланган қисми.

**а – 3 мм қалинликда қатлам олинган; б – 5 мм қалинликда қатлам олинган;
в – 7 мм қалинликда қатлам олинган.**

Графикларда кўринишича, мозаика қопламасини 6 мм қалинликгача қатламини олинганда силлиқланаётган тўлдиргич юзасининг тўйиниш даражаси кескин ўсиб, 55-75% гача етди. Олинадиган қатлам қалинлиги 6 дан 8 мм гача бўлганда тўлдиргич юзаси сезиларсиз даражада ортди. Бу қалинлик 9 мм га етганда тўйиниш даражаси ўзгармас қийматга етган ва у синалаётган намуналар учун 60-80% ўзгариб туради. Шунинг учун хулоса қилиш мумкинки, мозаика қопламали полнинг олинадиган қатламининг оқилона қалинлиги 6-7 мм ни ташкил этди. Мозаика қопламасининг силлиқланувчанлиги унинг компонентларини механик ишлов беришга бўй бериш қобилиятига, яъни ейилишига боғлиқ. Пол қопламасида цемент тоши ва мрамар алоҳида ҳолда ҳамда биргаликда силлиқланувчанлигини ўрганиш тажриба стени ёрдамида 400x400x40 мм ўлчамлардаги намуналарда ўрганилди.

Ўлчаш натижалари графиклар кўринишида 2-расмда келтирилган.



2-расм. Олинган қатлам қалинлигига боғлиқ ҳолда пол қопламаси юзасининг мармар увоклари билан жойлашганлик даражаси графиги

Тажрибаларда аниқланишича, меъёрадаги ҳарорат-намли шароитларда цемент тошининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги силлиқлаш бошланиши олдидан мос ҳолда 130 Н/см² ва 7 Н/мм² ни ташкил этди. Бу қийматларга меъёрадаги ҳарорат-намли шароитларда 4-5 кун сақлангандан кейин эришилди.

Силлиқлаш жараёнининг жадаллигини тажриба тадқиқотлари цемент тоши ва мрамарларда алоҳида ва мозаика қопламасида биргаликда ўтказилди. Цемент тоши ва мозаика қопламалари намуналари беш кунликдаги цемент тошининг оқилона мустаҳкамлиги (қаттиқлиги) ва таққослаш учун етти ва ўн тўрт кунлик ҳолатларида силлиқланди.

Мрамарларни силлиқлаш жараёни жадаллиги Ўзбекистондаги Олмалик конидан олинган жинс намуналарида ўрганилди. Уларнинг физик-механикавий тавсифлари мозаика қопламаларини барпо этишдаги тўлдирувчи

сифатида фойдаланиладиган ҳар турли мармарларнинг ҳамма параметрларини қамраб олган. Олмалиқ мармарининг асосий физик-механикавий ва декоратив хусусиятлари қуйидагича: тоғ жинсининг ранги – сариқ сояли оқ ранг; расми ва тузилиши – сариқ тўлқин ипли оқ фонда, майда донали, дарзлари кам; ҳажмий оғирлиги – $2,64 \text{ г/см}^3$; нисбий оғирлиги – $2,70 \text{ г/см}^3$; Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги – 3; эзилишга мустаҳкамлиги – $64,7 \text{ Н/см}^2$; микроқаттиқлиги – $149,2 \text{ Н/мм}^2$.

Мозаика қопламалар ва уларнинг компонентларини силлиқлаш жадаллигини тадқиқ этиш қуйидаги натижаларни берди:


силлиқлашнинг бошланғич даврида (3 мм чуқурликгача) цемент тоши ва мозаика қопламасини жадал қириб (ўйиб) олиш кузатилди, буни цемент тошини ҳосил бўлишининг ва ички ҳамда юза қатламларини қотишини турли шароитлари билан тушунтириш мумкин. Мармарларнинг силлиқланиш вақти ўйиш чуқурлигига пропорционалдир;

силлиқлашни бошлаш учун цемент тошини оқилона мустаҳкам-лигига (қаттиқлигига) мармар тўлдирувчи асосий таъсир кўрсатади (3-расм). Мозаика қопламаси ва цемент тошининг силлиқланиш вақтини намуналарнинг ёшига боғлиқлиги тажрибада келтирилган. Цемент тошининг мустаҳкамлигини(қаттиқлигини) ошиши билан унинг силлиқлаш жараёнига таъсири кескин ортади. 7 ва 14 кунлик мустаҳкамликка (қаттиқликка) эришган цемент тошининг мозаика қопламасини силлиқлаш вақти мос ҳолда 2,5 ва 5 марта ортади.

Мозаикали қопламалардаги асосий ҳажм мармар тўлдирувчига тўғри келганига қарамай мозаикали қопламани силлиқлаш учун кетган вақт харажатлари мармарни силлиқлашга нисбатан ўртачасига 15 марта кам бўлди.

Намуналарни Олмалиқ конидан олинган мармар увокларидан тайёрланди ва 5 кунлик ёшида синаб кўрилди. Силлиқлашда ЮФМнинг сувли эритмасини узлуксиз шундай миқдорда узатиладики, бунда у ишлов берилаётган юзани юпқа қатлам билан қоплаб турди.

Силлиқлашда ЮФМни қўлланиш самарадорлигини текшириш учун синалаётган намуналар билан бир вақтда назорат намуналари ҳам тайёрланди. Уларни силлиқлаётганда тоза сувдан фойдаланилди.



3-расм. Олмалиқ конидан олинган мармар увоклари бўлган мозаика қоплама ва цементли тошларнинг ёшига қараб силлиқлаш вақтининг боғлиқлиги. 1-цементли тош; 2-Олмалиқ конидан олинган мармар увоклари бўлган мозаика қопламали пол.

Эслатма: олинадиган силлиқлаш қатлами қалинлиги 7 ммга тенг қабул қилинган.

Намуналар ёши, кун

Қалинлиги 7 мм гача қопламанинг қатламини олишгача силлиқлаш вақтини ўлчаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўринишича, энг катта самарадорли юза-фаол модда бўлиб натрий карбонат (сода) эритмаси ҳисобланиб, ундан сувнинг ўрнида фойдаланганда силлиқлаш вақти 40%га қисқаради. Натрий гидроксид эритмаси ва сульфанола ДС-РАС дан фойдаланилганда силлиқлаш жараёни тахминан 30% тезроқ амалга оширилди. Тоғ жинсларини бурғилаш амалиёти кўрсатишича, энг юқори самарага оқилона концентрациядаги ЮФМни қўлланганда эришилди.

Карбонат ангидрид, натрий гидроксид ва сульфанола ДС-РАС эритмаларининг оқилона концентрациясини аниқлаш учун мозаика қопламасини силлиқлашда кўрсатилган ЮФМнинг сувли эритмаларини 0,05; 0,1; 0,15; 0,2; 0,5; 1% ли концентрациялари тайёрланди. Бунда Олмалик конидан олинган мрамар уволқари билан тайёрланган мозаика қопламасининг 14 кунлик намуналарини 7 мм қалинликкача қопламани силлиқланди.

2-жадвал.

Беш кунлик мозаика қопламасини ЮФМлар қўлланилган ҳолда силлиқлаш муддати.


ЮФМ ларни сувдаги 0,1% ли концентрацияли эритмаси	Олинган қатламларнинг умумий қалинлиги, мм						
	1	2	3	4	5	6	7
Натрий карбонат	0,82	1,18	7,93	16,9	24,9	38,1	51,3
Натрий гидроксид	0,84	1,19	8,15	17,3	27,8	42,2	59,6
Сульфанола ДС-РАС	0,87	1,20	8,9	18,6	30,9	44,1	64,2
Кальций хлорид	0,91	1,22	9,9	20,5	38,2	59,2	83,1
Сув	1,05	1,29	10,9	21,2	41,2	61,1	91,2

Силлиқлаш вақтини ЮФМнинг сувли эритмаси концентрациясига боғлиқлиги 4-расмдаги графикда келтирилган.

Натижада маълум бўлдики, натрий карбонат ва натрий гидроксиднинг сувли эритмалари 0,1% концентрацияда энг юқори самара беради. Ушбу концентрацияни оширганда ёки пасайтирганда уларнинг самарадорлиги камаяди. Сульфанола ДС-РАСнинг сувли эритмасини оқилона концентрациясини 0,25%га тенг деб қабул қилиш мумкин.

Сувнинг ўрнига 0,1% натрий карбонатнинг сувли эритмасидан фойдаланиш абразивнинг нисбий босими қийматига боғлиқ бўлмасдан силлиқлаш вақтини 40%га қисқартирди.

Силлиқлаш жараёнининг жадаллигини тадқиқот этиш натижалари бир жинсли ашёларни силлиқлаш жараёнидан мозаика қопламасини силлиқлашда ўзига хос фарқланишини кўрсатди ва икки компонентли тизим сифатида мозаика қопламасини силлиқлаш назариясига янги *гипотеза* киритилди.



4-расм. Юза-фаол модда(ЮФМ)ларнинг қуюқлигини силлиқлаш вақтига боғлиқлиги:

1-сульфанола ДС-РАС; 2-натрий ишқор; 3-натрий карбонат

Изоҳ: кўрсатиб ўтилган минутлар 1000 м² учун олинган!

Бир жинсли (мармар) ва икки жинсли мозаика қопламаси (мармар ва цемент тоши) ашёларни силлиқлашдаги боғлиқлик таҳлил этилди. Цемент тоши эркин абразив ролини ўйнайдиган мармар ва цемент тошининг майдаланган маҳсулоти ёрдамида силлиқланади. Абразив емирилиш назариясининг асосий қоидаларига биноан силлиқлаш жараёни самарадорлигини ошириш учун юза-фаол моддаларини қўлланиши мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Диссертациянинг “**Мозаикали пол қопламасининг силлиқлаш технологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган учинчи бобида силлиқлаш технологиясини оқилона параметрларини аниқлаш, мозаикали пол қопламаси учун абразив тошларга ишлов бериш ва силлиқлаш ишлари сифатини назорат қилиш, ЮФМни мозаик полларни силлиқлашдаги таъсирини ҳисоблаш бўйича амалий тавсиялар ва иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилган.

Мозаика қопламали полларни барпо этишдаги тажриба тадқиқотлари ва амалий ишлар шуни кўрсатдики, уларни силлиқлашга цемент тошини мустаҳкамлиги 1,3 кПа га эришгандан кейин киришиш мумкин экан. Бу вақтда Бринелль бўйича қаттиқлик 7,3 кПа атрофида бўлади. Натижада ишлов бериладиган қоплама юзасига силлиқлаш машинасини механик таъсиридан мармар тўлдиргичнинг уваланиб кетиши рўй бермайди.

Қотишнинг меъёрдаги шароитлари мозаика қопламасида бўлган цемент тоши бундай мустаҳкамликка ва қаттиқликка уни қуйилгандан 4-5 кун кейин одатда эришади. Меъёрдаги шароитлардан бошқача (18-20⁰С ҳароратдан қоплама юзасини 3-4 см қалинликда намланган ёғоч қипиғи ёпилгандан бошқа

ҳолларда) бўлганида силлиқлашни бошлаш вақтини қурилиш лабораториясида аниқланади. Бунинг учун мозаика қоришмасини қуйиш билан бир вақтда объектда мозаика қопламаси билан бир хил шароитда сақланадиган, ўлчамлари 4x4x16 см бўлган назорат намуна-тўсинчалари цемент хамиридан тайёрланади. Намуна-тўсинчалар мустаҳкамлиги ва Бринелль бўйича қаттиқлиги аниқланади, уларнинг қийматлари юқорида кўрсатилгандан кам бўлмаслиги лозим. Сиқилишдаги мустаҳкамлик ДС 310-90 ва Бринелль бўйича қаттиқлик ДС 4670-97 га мос ҳолда аниқланди. Мозаика қопламасининг устки қатлами силлиқлаш бошланишига қадар цемент сутидан парда билан қопланганда, у пол устидаги расм-шаклларни бекитиб қўяди ва қопламага бир хил кўриниш берди.

Полнинг ёрқин тасвирланган расмини ва силлиқ юзасини ҳосил қилиш учун қоплама сифатига қўйилган талабга боғлиқ ҳолда дағал (сидириш) ва майда силлиқлашни қўлланилади. Одатда мозаика қопламасидан фойдаланиш ва техникавий талабларини қониқтирадиган сифатга дағал сидириш ва майда силлиқлаш йўли билан эришилади. Агар қоплама пардозини сифатига юқори талаб қўйилса, унда уни кўшимча силлиқлаш упаси билан ишлов берилади ва сўнг сайқалланди.

Мозаика қопламасини силлиқлаш учун натрий карбонатнинг сувли эритмасини қўллаган маъқул. Керакли концентрациядаги хўлловчи суюқликни ҳосил қилиш учун юқорида кўрсатилган ЮФМнинг 5-10% ли сувли эритмасини тайёрланади, сўнг уни керакли концентрацияга келгунча тоза сув билан суюлтирилади. Шундан сўнг 0,1% концентрацияли ЮФМ эритмаси силлиқлаш машинаси бакига қуйилади. Хўлловчи суюқликни созланган сарфлаш бўйича силлиқлаш машинасининг ишчи органи тагига резина шланглари билан шундай узатиладики, унда ишлов берилаётган юза суюқлик билан юпқа ҳолда қопланди.

Силлиқлаш машиналари учун ўтиш қийин жойлар, айниқса девор ёки устун ёнлари, эластик валли силлиқлаш машиналари (ИЭ-8201 ёки ИЭ-6103) ёрдамида ишлов берилади. Юзани сидириб киришни одатда 3-4 мм чуқурликгача амалга оширилади. Агар сидиришдан сўнг қоплама юзасида бузилган жойлар (алоҳида ушқларнинг уваланиши) цемент қоришмаси билан қоплама рангига мос ҳолда шпаклевка қилинади. Сидиришдан сўнг юзаларни силлиқлашга киришилади, бунда абразив тошларининг янада майда зарралигини қўлланилади. Силлиқлаш юзага кўркама кўриниш беради ва концентрик тирнаш кўринишидаги изларни қолдирмайди.

Академик П.А. Ребиндер тадқиқоти бўйича қаттиқ ашёларга механик ишлов беришда юза-фаол моддалар молекулалари ҳосил бўлган дарзлар бўйича бузилиш олди зонаси чуқурлигига сингиб киради ва микроёриқлар юзаларида сўрилиб кетади. Натижада ЮФМнинг молекулалари кўчиши (силжиши) микроёриқлар деворчаларига понадек ёриб кириш таъсирини кўрсатади. Микроёриқлар ва ҳамма бузилиш олди зонаси ошади ва бузилиш жараёни енгиллашади. Машинанинг ишчи органини кўзғалиши бўйича юкларни олинишидан кейин ЮФМ молекулалари ички тортилиш кучлари таъсирида микроёриқларда сиқилиб чиқадилар ва бу ҳолат микродарзларни

“Ўзини-ўзи даволаш”га олиб келади.

ЮФМ адсорбция қиймати адсорбция қилинадиган модда хусусияти ва адсорбент юзасининг тузилишига боғлиқ бўлади. Нометалл жинсли қаттиқ жисм учун қаттиқликни кескин пасайиши молекула хусусияти бўйича яқин бўлган суяқ муҳит ҳосил қилади.

Қурилиш ишлаб чиқариши хусусияти ва тоғ жинсларини механик бузишда ЮФМни қўллаш тажрибасини инобатга олган ҳолда мозаика қопламасини силлиқлаш жараёни жадаллигига ЮФМни таъсирини тадқиқ этиш учун натрий карбонат, натрий гидроксид ва сульфанола ДС-РАС танлаб олинган эди. Мана шу ЮФМлардан турли концентрациядаги сувли эритмалар тайёрланди. Улар мозаика қопламаларни намуналарини силлиқлашда ҳўлловчи суяқлик сифатида қўлланилди. Тадқиқ этилаётган ЮФМ ларни самарадорлиги мозаика қопламасини силлиқлаш учун сарфланган вақт таққослаш йўли билан аниқланади. Бунда ЮФМ ва водопровод сувидан фойдаланиб қопламани 7 мм чуқурликкача силлиқланади.

Тажриба натижаларини кўрсатишича, энг юқори самарадорликка эга ЮФМ натрий карбонат бўлиб чиқди. Унинг қўлланиши қопламани силлиқлаш вақтини 40%га қисқартиришини яна бир марта тасдиқлади. Самарадорлиги бўйича (30%гача тезлаштириш) натрий карбонатга энг яқини натрий гидроксид ва сульфанола ДС-РАС ҳисобланади.

ЮФМнинг энг юқори самарадор концентрациясининг оқилона қийматини аниқлаш учун мозаикали қопламаларни силлиқлаш натрий карбонат, натрий гидроксид ва сульфанола ДС-РАСнинг 0,05; 0,1; 0,15; 0,2; 0,5 ва 1,0%ли сувли эритмаларида олиб борилади.

ЮФМларнинг мозаика қопламаларининг фойдаланиш хусусиятларига таъсирини ўрганиш учун уларнинг қўйидаги асосий физик-механик тавсифлари баҳоланди: эзилишга мустаҳкамлик чегараси, едирилиш ва сув ютувчанлик (3-жадвал). Бу тавсифлар 6 ойлик ёшдаги лаборатория намуналарини ишловдан ўтказишдан кейин олинган. Назорат ва эталон намуналари ва участкалари бўйича натижаларни таққослаш шуни кўрсатдики, қопламаларнинг фойдаланишдаги сифати ЮФМ билан ишлов бергандан кейин пасаймайди. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар мозаикали қопламаларни силлиқлашда ЮФМларнинг қўлланиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

3-жадвал

ЮФМлар билан силлиқлашдан кейин мозаика қопламалари намуналарини физик-механик синаш натижалари

Бетон ва тўлдиргич турлари тавсифи. Қоплама таркиби: Портландцемент 400 маркали қўлланилган таркиб нисбати 1:3 (цемент:тўлдиргич)	Механик мустаҳкамлиги, Н/см ²		Ейилиш, мкм		Сув ютувчанлик
	Назорат намуналари	Синаладиган намуналар	Назорат намуналари	Синаладиган намуналар	
Олмалик мрамари	217	206	89,9	92,6	5,16

Диссертациянинг “Мозаик полларни қуриш ва силлиқлаш учун технологик тавсияномалар ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида технологик тавсиянома, умумий қоидалар, қўлланиладиган дастлабки ашёлар, машина ва асбоб-ускунлар, мозаика пол қопламасини силлиқлаш технологияси, хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил этилган.

Саноат биноларини барпо этишда бажариладиган сермеҳнат ишлардан бири пол қопламаларини қуришдир. Бунинг сабаби шундаки, кўпчилик пол қопламалари майда донали ашёлардан тайёрланади ва уларни ётқизиш юқори меҳнат ҳаражатини талаб қилади ҳамда механизациялашда қийинчилик мавжуд. Бино ва иншоотларни пардозлаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар қурилиш-монтаж ишларида салмоқли ўрин эгаллайди. Ишларнинг умумий ҳажмини 30% гача уларга, шу жумладан, 10-15% полларни барпо этишга тўғри келади.

Саноат ва фуқаро бинолари полларининг қопламалари ҳамда ободонлаштириш майдонларининг катта қисмида «Террацо» пардозли бетон қўлланилади. Бундай мозаикали полларга зарурияти бўлган объектларнинг майдони йилига юз минглаб квадрат метрни ташкил этди.

Таҳлил этилган назарий қоидалар ва методологик кўрсатмалар мозаикали пол қуриш ишларининг технологиясини амалий масаларини ҳал этишга қаратилган. Юза-фаол модда (ЮФМ)ларни қўллаб, мозаикали қопламаларни силлиқлаш технологияси меҳнат унумдорлигини 38-43% га оширади, меҳнат ҳаражатларини 190 киши-соатга камайтиради ва ҳар 1000 м² қопламада 4 392 800 сўм тежалди.

ХУЛОСА

“Юза-фаол моддаларни қўллаб, юқори сифатли мозаикали пол қопламаларининг технологиясини ишлаб чиқиш” номли докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинди ва хулосалар қилинди:

1. Саноат биноларининг мозаика қопламали полларини силлиқлаш технологиясини юза-фаол моддалардан фойдаланилганда меҳнат унумдорлигини 38-43% га ошиши ҳисобига такомиллаштириш тавсия этилди.

2. Мозаика қопламаларини бутун ва алоҳида компонентларини физик-механик тавсифларига боғлиқ ҳолда силлиқлаш жараёни жадаллигини тадқиқ этиш натижасида бир жинсли ашёларни силлиқлаш жараёнидан фарқланувчи мозаика қопламаларини силлиқлаш жараёнини ўзига хос хусусияти аниқланди ва икки компонентли тизим сифатида мозаика қопламаларини силлиқлаш назариясига янги қоида ишчи гипотеза сифатида тавсия этилди.

3. Абразив емирилиш назариясининг асосий қоидалари асосида мрамарнинг микроқаттиқлигига таъсир қилувчи юза-фаол моддаларнинг мозаикали қопламанинг силлиқлаш жараёни самарадорлигини ошириш учун қўлланилиши асосланди.

4. Цемент тошининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлигининг юқори

қийматларида мозаика қопламасини силлиқлаш вақти кескин ошишини (2,5-5 марта) инобатга олиб, силлиқлашни мозаика қопламасидаги цемент тоши мустаҳкамлиги 130 Н/см^2 ва қаттиқлиги 7 Н/мм^2 га етганда бошлаш тавсия этилди.

5. Мозаика қопламасининг юзасини ўйиш қалинлиги 5-7 мм бўлганда тўлдиргич юзасининг тўйиниш даражаси максимал қийматга (75% гача) яқинлашиши ва қопламанинг яхши безакли кўриниши ва талаб қилинган фойдаланиш сифатини таъминлайши асосланди.

6. Мозаика қопламасини силлиқлашда натрий карбонат (Na_2CO_3)ни концентрацияси 0,1-0,12 % ли сувли эритмасини қўллаганда меҳнат унумдорлиги 38-43% га ошиши изохланади.

7. Мозаикали қопламани силлиқлаш жараёни жадаллигига юза-фаол моддалар асосида олиш технологияси тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

САЛИМОВА ПРОДА НАЗАРБАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННЫХ
МОЗАИЧНЫХ ПОЛОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ПОВЕРХНОСТНО-
АКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ**

05.09.08 - Технология строительства и организация строительных процессов

АВТОРЕФЕРАТ
доктора философии (PhD) по техническим наукам.

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № В2019.3.PhD/T1375.

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте. Автореферат диссертации на трех языках: узбекском, русском, английском (резюме), размещен на веб-странице Научного совета (www.taqi.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Юсупов Хамза Ибадович –
кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ганиев Карим Барович –
доктор технических наук, профессор

Сатторов Зафар Мурадович –
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится «4» августа 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. (Адрес: 100011, г.Ташкент, ул. Абдуллы Кадыри, дом №7. Тел.: (99871) 241-10-84; факс (99871) 241-80-00). e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован под номером №78). Адрес: 100011, г. Ташкент улица Кичик Халка йули, дом №7в. Тел.: (+998 71) 235-43-30; факс: (+998 71) 234-15-11. e.mail:taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «22» июля 2022 года (реестр протокола рассылки №1 от «5» мая 2022 года).

Х.А. Акрамов

Председатель разового ученого совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Т. Хотамов

Ученый секретарь разового ученого совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

А.Н. Джабриев

Председатель разового научного семинара при
Ученом совете по присуждению ученых
степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой строительной практике особое внимание уделяется расширению применения монолитных мозаичных полов, их энергосбережению за счет применения поверхностно-активных веществ, повышению производительности шлифовальных машин и устройству коррозионностойких мозаичных полов. Сегодня в развитых странах ведущую роль в устройстве монолитных мозаичных полов играет использование местных заполнителей и химически активных веществ, создание технологических карт производства и совершенствование конструкторских работ. В связи с этим в этой области особое внимание уделяется устройству экологически чистых, недорогих и качественных мозаичных полов, отвечающих требованиям высокой прочности, долговечности, разработке оптимальных параметров машин и механизмов для шлифовки мозаичных полов, применению поверхностно-активных веществ и повышению эффективности технологии монолитных мозаичных полов.

Во всем мире ведутся исследования по устройству мозаичных полов зданий и сооружений, внедрению новых технологий в развитие строительного производства, снижению трудозатрат, продолжительности процессов, расхода различных ресурсов, а также безопасности и надежности зданий и сооружений. В связи с этим в этом направлении приоритет отдается совершенствованию процесса шлифования поверхностей за счет снижения свободной энергии самоадсорбирующихся поверхностно-активных веществ на поверхности твердого тела и снижения прочности твердого тела, а также определения начального времени шлифования двухкомпонентных систем. В то же время, исходя из функционального назначения зданий, разработка и совершенствование технологии и применение современных машин и механизмов позволяющих повысить эффективность строительных процессов, обеспечивающих экономию ресурсов и энергии при устройстве монолитных покрытий мозаичных полов, является актуальной задачей.

В нашей Республике проводится ряд мероприятий по разработке энергосберегающих решений и технологий при устройстве полов промышленных предприятий, строящихся и реконструируемых жилых и общественных зданий, а также применения эффективных добавок. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлен ряд задач, в том числе «Координация научных исследований в области архитектуры и строительства в высших учебных заведениях с практикой», «Предупреждение строительных дефектов или проблем в строительной деятельности». При выполнении этих задач важным является изучение влияния ПАВ на интенсивность этого процесса при шлифовке мозаичных покрытий полов и разработка передовой технологии, повышающей производительность, снижающей трудозатраты и создающей высокое качество мозаичных полов.

Представленное диссертационное исследование, в определенной мере,

служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указом Президента Республики Узбекистан от 13 марта 2020 года № УП-5963 «Об углублении реформ в строительстве в Республике Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23 мая 2019 года № ПП-4335 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», а также в определенной мере способствует реализации решений и поставленных задач в других нормативных актах в данной области.

Взаимосвязь темы исследования выполняемой диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике.

Данная диссертационная работа посвящена развитию науки и техники республики. Реализуется в рамках приоритетного направления «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Устройство мозаичного пола, особенно процесс шлифовки его поверхности, является трудоемким процессом. Анализ существующей технологии шлифования мозаичного покрытия и применяемых средств механизации показал, что технология шлифования практически не изменилась за последние десять лет. Снижение трудозатрат было достигнуто за счет усовершенствования конструкции шлифовальных станков, и значительный вклад в решение этих вопросов внесли ряд известных ученых, в том числе И.В. Гребенчиков, Н.Н. Качалов, В.Н. Кашеев, И.В. Крагельский, Е.Н. Маслов, М.М. Тененбаум, Э.Г. Шмаванян, М.М. Хрущев, А.И. Денисов, А.Г. Домокеев, О.М. Иванов, В.М. Кулькова и др.

Учеными нашей страны проведен ряд исследований по разработке и совершенствованию технологий и механизмов эффективных строительных процессов, позволяющих экономить ресурсы и энергию для устройства полов различных конструкций в зданиях и сооружениях. Это направление получило развитие на основе исследований, проводимых в разные годы Н.Б. Бозорбоевым, Н.З. Мухибовой, Х.И. Юсуповым, З.М. Сатторовым и другими учеными. В результате научных исследований достигнуты значительные результаты по шлифовке мозаичных покрытий полов и решению их задач на практике.

